



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>

GENESIS AND SOCIO-PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF POVERTY

Nozimjon Q. Kholmurodov

Researcher

Bukhara State University

Bukhara, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: philosophical analysis, reforms, socially vulnerable people, poverty situation, national mentality, study of the experience of countries, national education, sponsoring

Received: 26.08.22

Accepted: 28.08.22

Published: 30.08.22

Abstract: The concept of "poverty" has been given different definitions and descriptions by scientists and researchers. We believe that poverty is a product of the changing income inequality and other social, economic, medical and demographic processes in a market economy, and the lack of the necessary goods for people's minimum consumption. Poverty, on the other hand, is the result of long-term poverty and means that a person does not have the ability to purchase the income and resources necessary for living.

КАМБАҒАЛЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Нозимжон К. Холмуродов

Тадқиқотчи

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: фалсафий таҳлил, ислоҳотлар, ижтимоий заиф кишилар, камбағаллик холати, миллий менталитет, давлатлар тажрибасини ўрганиш, миллий тарбия, ҳомийлик қилиш

Аннотация: “Камбағаллик” тушунчасига олим ва тадқиқотчилар томонидан турлича таъриф ва тавсифлар берилган. Бизнингча: камбағаллик бу - бозор иқтисодиёти шароитида ўзгарувчан даромадлар тенгсизлиги ва бошқа ижтимоий, иқтисодий, тиббий ва демографик жараёнлар билан боғланган муносабатларнинг маҳсули бўлиб, инсонларнинг минимал истеъмоли учун зарур неъматларнинг етарли бўлмаслигидир. Қашшоқлик эса узоқ давом

этган камбағалликнинг натижаси бўлиб, инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромад ва ресурсларни харид қилиш имкониятининг йўқлигини билдиради.

ГЕНЕЗИС И СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КОНЦЕПЦИИ БЕДНОСТИ

Нозимжон К. Холмуродов

Исследователь

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: философский анализ, реформы, социально незащищенные слои населения, бедность, национальный менталитет, изучение опыта стран, национальное образование, спонсорство

Аннотация: Понятию «бедность» ученые и исследователи давали различные определения и описания. Мы считаем, что бедность является продуктом изменяющегося неравенства доходов и других социальных, экономических, медицинских и демографических процессов в условиях рыночной экономики, отсутствия необходимых товаров для минимального потребления людей. Бедность, с другой стороны, является результатом длительной бедности и означает, что человек не имеет возможности покупать доход и ресурсы, необходимые для жизни.

КИРИШ

Ижтимоий муносабатлар тарихи жамият, ижтимоий тузилмалар, шунингдек, ҳар қандай инсон ҳаётида прогресс ва регресс жараёнлари ўзига хос тарзда намоён бўлиши билан ҳам аҳамиятли. Маълумки, жамиятнинг ривожланганлик даражаси одатда жамиядаги кексалар, болалар, ногиронларнинг аҳволига, уларнинг ҳаёт даражасига, бир сўз билан айтганда, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган барча одамлар тоифасига давлат ва жамият аъзоларининг қандай муносабатда бўлишига қараб белгиланади.

Ижтимоий заиф кишиларга, яъни кексалар, ногиронлар, ёлғиз, ночор кишилар ва аҳолининг бошқа тоифаларига ёрдам бериш жамиятнинг юксак маънавияти ва маданийлигидан далолат беради. Тарихий тараққиётдан маълумки, яқинларига ёрдам бериш, ҳамдард бўлиш ва хайр-эҳсон қилиш азалдан турли мамлакатлар халқларига хос фазилат ҳисобланган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Қадимий “Авесто” китоби ижтимоий тадбирлар тизими ҳақида маълумот берувчи дастлабки ёзма манбалардан бири ҳисобланади. Унда зардустийлик динини қабул қилган давлатларнинг тузилмаси ва ижтимоий сиёсати ҳақида маълумотлар бор. Мақсадли ёрдам кўрсатиш усули сифатида хайрия оддий фуқаролар учун ўзини тутишнинг характерли анъанавий қоидалари ҳисобланган. “Рұхонийлар ва диний ташкилотлар зиммасига эса, ижтимоий хизматлар - қўллаб-қувватлаш, ёрдам кўрсатиш, хайрия тадбирларини ўтказиш юкландган. Ҳукмдорлар, бой фуқаролар, ибодатхоналар хайрия тушликларини уюштирган ҳамда факир ва ночор ҳамюртларига хайр эҳсонлар тарқатган. Жамоаларда умумий жамоавий жамғарма ҳисобидан муҳтож оиласлар моддий қўллаб-қувватланган”.

Ўрта Осиё ҳалқлари тарихидаги мусулмончилик даври рұхонийларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини давом эттириди ва бойитди. Масжидларга ҳамда ижтимоий-диний ҳамжамиятларга ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва кўмак бериш вазифалари юкланди. Ижтимоий ёрдам турлари якка тартибдаги ва жамоавий шаклларга эга эди. Хайр-эҳсон тарқатиш, муҳтожларга моддий ёрдам бериш Ислом динининг асосий фарзларини бажариши шулар жумласидандир. Ҳашар жамоа ёрдами, тиббий кўмак, маҳсус бепул касалхоналарни ташкил этиш жамоавий ёрдам шакллари орасида энг кенг тарқалган тури ҳисобланади.

Фақирларни қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам бериш ислом фалсафасида, Қуръон, ҳадисларда кенг ва муфассал равища баён қилинади. Муруват, ожизларга ҳомийлик қилиш, йиқилганни турғизиб қўйиш, бошқалар мусибатига шерик бўлиш, бир ширин сўз бўлсада, хайр-садақа қилиш, бирор ночор қолган пайтда энг севимли нарсасини бахшида этиш, ўзи пиширган овқатнинг бир қисмини ён қўшнисига илиниш, ҳатто боғига ўғриликка кирган оч-юпунни тутгач, калтакламай бир бош узум билан сийлаш ва насиҳат қилиш каби сон-саноқсиз гўзал фазилатлардан иборат бўлиб, инсонни инсон сифатида тутиб турган энг муҳим қадриятлар ҳисобланади. Дунёда нимаики мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси инсон учун, унинг равнақи, баҳт-саодати учун яратилган. Ислом ақидасига кўра инсон ана шуларга шукр қилиб, бу дунёда умргузаронлик қилиши даркор. Бу ҳақда Қуръони Каримда шундай фикр айтилади: “У сизлар учун Ери пойандоз, осмонни “бино” қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, у сабабли сизларга ризқ сифатида мевалар ундириди. Бас, билиб туриб Аллоҳга (ибодатда) бошқа (сохта маъбуда)ларни тенглаштирамгиз!”. Шунинг учун инсон тақво ишлари билан машғул бўлиши билан бирга, бу дунёда савобли ишлар билан шуғулланиши, солиҳ амалларни қилиши, ўзгаларга, айниқса, муҳтож ва камбағалларга ёрдам бериши, уларга хайр-эҳсон қилиши, раҳмдил

бўлиши керак. Умуман олганда, Қуръони карим ва ҳадисларда инсоннинг бу дунёда бажарадиган ишлари, инсонпарварлиги, хулқ-одоб қоидаларига риоя қилиши, хайрли ишлари тўғрисида кўп гапирилади. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, Қуръони каримда яхши ишлар ва солиҳ амаллар - 31 марта, эзгу ишлар - 12 марта, хайр-эҳсон, садақа, меҳр-шафқат - 40 марта, ҳидоят йўли - 5 марта тилга олинади.

Мутафаккир Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарини одил подшоҳларни васиф қилишдан бошлайди. Унинг фикрича, адолатли подшоҳнинг мамлакат ва ҳалойик учун фойдасининг чеки-чегараси йўқ. Бундай подшоҳ, энг аввало, хулқ-одобда факиру мискинларга, аҳолининг турли тоифаларига бирдек юмшоқ ва яхши муомалада бўлади. Адолатли подшоҳ юксак фазилатлар эгаси бўлиб, қўл остидагиларга марҳаматли бўлади. Подшоҳнинг саъй-харакатлари, тиришқоқлиги туфайли мамлакатда тинчлик, осудалик ҳукм суради, унинг меҳр-муруввати ва қўли очиқлигидан ҳалқ тўқ, фаровон яшайди. “Очлар овқати мурувват ва баҳшиши дастурхонидан, яланғочлар кийими марҳамат ва эҳсони хазинасидан. Мамлакат боғини обод қилишга ёмғир булутидай сероб ва мамлакат аҳли кўзини ёритишга худди офтоб... Адолатли подшоҳ ҳақдан ҳалойикқа кўрсатилган марҳаматдир, мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабидир. Қуёш билан баҳор ёмғиридек қора тупроқдан гуллар очар ва мамлакат кишилари бошига олтин билан дурлар сочар”. Алишер Навоий инсоннинг қадр-қиммати унинг мол-мулки, зеб-зийнати, мансаби, ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари, ундан элга қанчалик наф тегиши билан белгиланади, дейди. Бу ҳақда унинг қўйидаги сўзлари таҳсинга сазовордир: “Кишиларнинг сўз билан наф етказиш қўлидан келмаса, лоақал кўнглидаги андишаси яхши бўлиши керак. Кўнгли одамларнинг хурсандлигидан хурсанд бўлиши лозим. Кимнинг ҳалқ ғамидан ғами бўлмаса, ҳақиқий одам бўлсанг, уни одам дема”.

Мутафаккир Абдураҳмон Жомий фикрича, яхши ном чиқариш учун доимо ҳалққа яхшилик қилиши, эзгу амаллар билан машғул бўлиши зарур. Ҳожа Аҳрор бутун умри давомида ҳалқ манфаати ва мамлакат тараққиётини ўйлади. Ул зот курғоқчилик йилларида айрим вилоятларнинг хирожини тўлаб юборди, камбағалларга ош-нон, буғдой тарқатди. Масалан, “Мақомоти Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор” да келтирилишича, ҳазрати Эшон, яъни Ҳожа Аҳрор бир йили Тошкентга келиб мусулмонларни солиқдан озод қилиш учун 250 минг динорни Султон Умаршайхга беради. Бошқа бир пайтда мусулмонларни солиқдан озод қилиш учун 70 минг динор ажратади. “Мақомот” да Ҳожа Аҳрорнинг бундай хайр-эҳсонлари, ғарибларга ёрдами тўғрисида мисоллар кўплаб келтирилади. Айни вақтда мутасаввифнинг фикрича, одам ўзини бойлик эгаси деб билмаслиги, бойлиги

билан мақтансаслиги, камбағалларга паст назар билан қарамаслиги, камтар бўлиши, халққа ёрдам бериши, бева-бечора ва муҳтожларга хайр-эҳсон кўрсатиши даркор. Инсон молу дунёсини ўзига сарфлаши, кейин, ортигини қариндош-урӯғ, муҳтожларга тарқатиши керак. Акс ҳолда тўплаган мол-мулки ўзгаларга қолиб кетади. “Ажаб андоғ кишидинки, - дейди Хожа Ахороп, - данғиллама уй ва қасрлар бино қилурлар ва такаллуфлар бирла яшарлар, ерлар ва ҳасратлар бирла ташлаб кетарлар. Ва андоғ кишидин ажаброқки, анинг жойига ўлтирур ва ғофил бўлур. Ва ўз кўзи бирла кўрган ҳолидаки, эгаси қандай ҳасрат бирла ташлаб кетти, ибрат олмас”.

Буюк мутафаккирларимиз асарларида камбағал мискинларга ёрдам кўрсатиш, уларни қўллаб-куватлаш масаласи ҳамиша диққат марказида туради.

Жаҳон халқлари тарихига эътибор берадиган бўлсак, Россияда ижтимоий ҳимоя давлат тизимининг қарор топиши 1701 йилда император Петр I томонидан “Авлиё Патриарх уйларида ғариблар, касаллар ва қарияларни аниқлаш тўғрисида” Фармони қабул қилинишидан бошланди. Император Петр I даврида биринчи етимхоналар пайдо бўлди, жамиятга давлат томонидан факирларни ажратиш ва ҳар бир алоҳида тоифа буйича ғамхўрлик кўрсатиш бўйича чоралар қабул қилиш юкланди.

Ғарбий Европа мамлакатларида XVI-XVII асрларда ижтимоий ёрдам давлат тизими расмийлаштирилиши давлат ролининг ошиши ва айни бир вактда христиан черкови фаоллигининг пасайиши билан изоҳланади. Жумладан, 1529 йилда Германияда ноҷорларга ёрдам тўғрисида Гамбург устави, 1682 йилда эса, давлат таъминоти чоратадбирлари тўғрисидаги фармон қабул қилинади. Англияда 1531 йилда “Ноҷорларга ёрдам бериш тўғрисида” қонун қабул қилинади, шунингдек 1572 йида факирларга ёрдам кўрсатиш учун умуммиллий солиқ жорий этилади. 1601 йилда Англияда қабул қилинган “Камбағаллик тўғрисида”ти қонунда муҳтожларга молиявий ёрдам беришга урғу берилди. Бу қонун мазкур соҳада қонунчиликни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилди ва хукуматнинг инсон эҳтиёжлари учун жавобгарлиги шаклланишида бурилиш ясади.

Америка ижтимоий ҳимоя тизими аниқ ифодаланган икки йўналишга, ижтимоий суғурта тизимига ва ижтимоий ёрдам тизимига эга. Ижтимоий суғурта дастурлари юқори ижтимоий мақомга эга, чунки маошга яшайдиган барча кишилар мунтазам равища тегишли фонdlарга солиқ тўлайди. Бу тизим иқтисодий фаол аҳолини асосий ижтимоий хавф-хатарлардан, кексалиқдан, боқувчисидан айрилишдан, ногиронликдан, касалликлардан, ишлаб чиқариш жароҳатларидан, ишсизликдан ҳимоя қиласи. Ижтимоий ёрдам АҚШдаги ижтимоий ҳимоя тизимининг иккинчи йўналиши ҳисобланади. АҚШдаги ёрдам тизими бир қанча йирик ва кўплаб кичик дастурларни ўз ичига олади. Ушбу

дастурлар бўйича қашшоқликда қун кечирадиган одамлар пул маблағлари, озиқ-овқат, қарзга бериладиган уй-жой, таълим олиш учун ёрдам олади ва қасбга ўқитилади. Расман белгиланган қашшоқлик даражасидан паст даражада қун кечирадиган кишилар ижтимоий ёрдам олишга ҳақли. АҚШ аҳолисининг тахминан 12-15 фоизи ижтимоий ёрдам оладиган кишиларни ташкил этади.

1948 йилнинг 10 декабрида БМТ томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжахон Декларацияси” нинг 1-моддасида кўрсатилганидек, “Барча одамлар эркин, кадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилганлар”. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Конституциянинг 13-моддасида таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиймати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва конунлар билан ҳимоя қилинади”.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки 25 йилида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли, кам таъминланган аҳоли қатлами деган иборалар билан аҳолини муҳтожлиқдан ҳимоя қилиш чоралари кўриб келинди. Ўзбекистон тарихида ilk бор камбағаллик масаласи 2020 йилнинг 24 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномасида кўтарилиб, мазкур мавзу ижтимоий-иқтисодий сиёsatнинг асосий кун тартибига айланди. Камбағалликни қисқартириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-куввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёsatни амалга оширишга қаратилган бўлиши лозим. Бундан ташқари, камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил – бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши, инсон капиталини ривожлантириш лозим.

Президент Ш.Мирзиёевнинг кўрсатмасига биноан, камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастур ва механизmlарини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услуби, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини пухта ишлаб чиқиш мақсадида қисқа муддатларда Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастури, Осиё тараққиёт банки каби халқаро ташкилотларининг 14 нафар эксперти жалб қилинди. Мазкур эксперталар билан биргалиқда юқоридаги вазифаларни ўзида қамраб олган “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш концепцияси” ишлаб чиқилди.

Камбағаллик ва қашшоқлик тушунчаларининг аниқ таърифи мавжудми, деган савол туғилиши табиий. Ҳозирда жаҳон бўйлаб камбағаллик ёки қашшоқлик тушунчаларининг умумқабул қилинган ҳамда ягона келишилган таърифи ишлаб чиқилмаган. Ҳар бир мамлакат ўзи учун белгиланган камбағаллик мезонидан келиб чиқиб тавсифлади.

БМТнинг “Ижтимоий ҳимоя борасида юқори даражадаги Бутунжаҳон саммити”да таъкидланганидек, қашшоқлик – инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромад ва ресурслар етишмаслиги, бундан ташқари, очлик ва тўйиб овқатланмаслик, соғлиқни сақлаш, таълим ёки бошқа асосий хизматлардан фойдаланишда чекловларнинг мавжудлиги, турар жойнинг йўқлиги, хавфли табиий ва техноген муҳитда ҳамда ижтимоий тенгсизлик шароитида яшашига нисбатан айтилади.

Шунингдек, БМТ Европа Иктиносий комиссиясининг “Камбағалликни ўлчаш бўйича қўлланма” сида камбағалликка қўйидагича таъриф берилди: “Камбағаллик – инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқларнинг мавжудлиги, бундан ташқари, оиласини боқиши ва кийинтириши, таълим олиши ёки касалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишга имкон берадиган меҳнат билан таъминлаш имкониятлари етишмаслиги ҳамда кредит олиш имкониятининг чекланганлигига намоён бўлади. Шунингдек, камбағаллик бу инсонлар, уй хўжаликлари ва жамоаларнинг ижтимоий жиҳатдан чегаралангандиги, хавф-хатарлар олдида чорасизлиги ҳамда ночорлиги саналади”. Бирлашган миллатлар ташкилоти 1992 йилнинг 12 декабрида A-RES- 47-196-сонли резолюция қабул қилиб, ҳар йили 17 октябрни “Халқаро қашшоқликка қарши кураш куни”, деб эълон қилган.

ХУЛОСА

Юқоридаги фактларни хulosса қилиб айтадиган бўлсақ, миллий маънавий қадриятларимизда камбағалларга ёрдам бериш, улар ҳаётини фаровон қилиш, уларда тадбиркорлик рухини уйғотиш, боқимандаликни йўқотиш каби хислатлар асосий ўрин эгаллаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Хусейнова А. А. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2022. – Т. 7. – №. 5.
2. Kholmurodov N. Q. POVERTY REDUCTION AS AN IMPORTANT FACTOR IN ENSURING SOCIAL STABILITY //Oriental Journal of Social Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 03. – С. 73-81.

3. Нозимжон К. Холмуродов ИСЛОМ ДИНИДА КАМБАҒАЛЛИК МУАММОСИ ВА УНИ ҚИСҚАРТИРИШ БҮЙИЧА ЁНДАШУВЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ // ОJHPL. 2022. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/islom-dinida-kamba-allik-muammosi-va-uni-is-artirish-b-yicha-yondashuvlarning-ziga-hos-hususiyatlari> (дата обращения: 29.08.2022).
4. Холмуродов Н. Аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш омиллари (Бухоро вилояти мисолида) //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 6/S. – С. 188-193.
5. Хусейнова А. А., Аслонов Ф. Т. Глобаллашув шароитида дахлдорлик тарбиясининг ижтимоий-педагогик хусусиятлари //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 1252-1257.
6. Намазова, Нодира Джумаевна. "Пути повышения качественных составляющих использования трудового потенциала малого предпринимательства." (2022): 197-206.
7. Хусейнова, Абира Амановна. "Соҳа лингвистикасини ривожлантириш–давр талаби." *Conferences*. 2021.
8. Хусейнова А. Янги Ўзбекистон шароитида одам савдосига қарши курашнинг маънавий ва хуқуқий асослари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 6/S. – С. 179-187.
9. Xolmurodov N. Q. O ‘ZBEKISTONDA KAMBAG ‘ALLIKNI BARTARAF QILISHNING O ‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 7. – С. 379-385.
10. Намазова Н. Д. МЕСТО СОВРЕМЕННОГО ВУЗА В РАЗВИТИИ РЕГИОНАЛЬНОЙ ИННОВАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 24. – С. 916-925.
11. Nizamov A. B., Namazova N. D. TOWARDS MODERNIZATION OF MARKET COMPETENCE OF GRADUATES OF SECONDARY SPECIALIZED, VOCATIONAL EDUCATION //55th Science Conference of Ruse University, Bulgaria. – 2016. – С. 261-266.
12. Хусейнова А. А. Воздействие результатов независимого оценивания на учебную мотивацию //ЦИТИСЭ. – 2021. – №. 1. – С. 258-266.
13. Gadoeva L. E. Ethnomedical Culture And Healthy Lifestyles: A Dialectical Relationship In Genesis //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – Т. 6. – №. 8. – С. 2875-2884.
14. Gadoeva L. E. QUALITY OF LIFESTYLE SOCIO-PHILOSOPHICAL CATEGORY //Oriental Journal of Social Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 03. – С. 62-66.

15. Karimova L. M. Abdurrahman Jami And Sufism //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – T. 6. – №. 8. – C. 2866-2874.
16. Dr. Lola M. Karimova. (2022). IDEOLOGICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF ABDURAHMAN JAMI'S VIEWS ON THE EDUCATION OF THE YOUNG GENERATION. American Journal Of Social Sciences And Humanity Research, 2(07), 28–34. <https://doi.org/10.37547/ajsshr/Volume02Issue07-04>
17. Karimova, Lola Muzaffarovna. "Abdurahman Jami's views on Humanity (Source Study)." (2021).
18. Chorieva, Madina A. "SOCIO-POLITICAL, CULTURAL AND SPIRITUAL LIFE OF CENTRAL ASIA AND IRAN IN THE X-XI CENTURIES." *Journal of Social Research in Uzbekistan* 2.01 (2022): 52-63.
19. Kholmurodov N. Q. POVERTY REDUCTION AS AN IMPORTANT FACTOR IN ENSURING SOCIAL STABILITY //Oriental Journal of Social Sciences. – 2022. – T. 2. – №. 03. – C. 73-81.